

Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

ТАЙИНЛОВ



Халқ депутатлари
Ўзбекистон тумани Кенга-
шининг навбатдан ташқари
сессиясида ташкилий маса-
ла кўрилди. Ҳозирга қадар
Сув ҳўжалиги вазирлиги
ирригация тизимларидан
ва йирик гидротехника
иншоотларидан фойдала-
ниш бошқармаси бошлиғи
бўлиб ишлаб келган
БЕГМАТОВ
Равшанбек
Бердалиевич
Ўзбекистон тумани ҳокими
этиб тасдиқланди.

Равшанбек Беғматов 1984
йилда Данғара туманида ту-
тилган. Тошкент ирригация
ва мелиорация институтини
тамомлаган. Меҳнат фаоли-
ти давомиди Фарғона вилоя-
ти Сув назорат инспекцияси,
"Сирдарё-Сўх" ирригация ти-
зимлари хавза бошқармаси,
Катта Фарғона магистраль кана-
ли ҳамда Фарғона водийси ка-
налларидан фойдаланиш бош-
қармаларида раҳбарлик лаво-
зимларида ишлаган. 2020-
2024 йилларда Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати
бўлган.

Таълим ислохотлари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ ЯРАТИЛМОҚДА



Таълим — инсон камолоти учун энг муҳим омил. Ота-бо-
ларимиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маъ-
рифат, таълим тизимини мунтазам ислох қилиб бориш-
ни миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб
билган. Чунки замон жадаллашиб борган сари, таълим
ҳам янгиланишга эҳтиёж сезади.

Наргиза ИРГАШЕВА,
Фарғона шаҳар мактабгача
ва мактаб таълими бўлими
бошлиғи

Фарғона шаҳар мактабгача ва
мактаб таълими бўлими томонидан
ўтган йил давомида ўқув муассаса-
ларида сифат ва самарадорлиқни
оширишга устувор вазифа сифати-
да қаралди. Хусусан, юртимизда 7
фоизлик ставкада 10 йил муддатга
кредит бериш учун имконият ярати-
либ, ишлаб чиқариш корхоналари-

ЕРГА ЧИГИТ ТУШДИ

Экин майдонлари йилдан-йилга
қисқарсада, пахта ҳали-ҳануз мамла-
кат қишлоқ ҳўжалигининг асосий экини
бўлиб қолмоқда. Аммо, масаланинг ик-
кинчи томони бор. Ўзбекистонда 2024
йилдан бошлаб ҳосилдорлиқни ошириш
устувор масалага айланди. Бунинг учун
янги технологиялар, янги навлар, янги
техникалар қўллаш бошланди.



Бағдод туманида 2024 йилда 4,5
минг гектар майдонга чигит
экилиб, 16,6 минг тонна ҳосил
олинди. Ҳосилдорлик гектари-
дан 36,8 центнерга тўғри келди.
Бу йил эса экин майдони 7 фоизга, яъни
300 гектарга қисқартирилса-да, ўртача
ҳосилдорлиқни 50 центнерга етказиш ре-
жалаштирилган. Бунинг учун деҳқонлар
чигитни 76 схемада плёнка остига
қўшқатор усулда экишяпти.
— 76 схемада қўшқатор экиш учун даст-
лаб биз пахта терим машинасини олиб
келдик. Ҳозирча улар 8 та. Яқин кунларда
яна 2 таси етиб келади, — дейди Бағдод
тумани ҳокимининг ўринбосари Орифжон
Халилов. — Шунингдек, Хитойдан 20 та
қўшқатор чигит экиш агрегатларини ҳам
сотиб олдик. Бундан ташқари, 20 та ер-
ни лазер ёрдамида текислаш ускуна-
лари келтирилди. Юқори унумли "Klass",
"Ariol", "Onland" техникалар, яна 20 та
"Zoom ilyon" ҳам олинган.




Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.



Жараён

ФРАНЦИЯ КРЕДИТИ АСОСИДА БАЛИҚ ПАРВАРИШЛАНМОҚДА

Ўзбекистон — Франция
муносабатлари 2022 ва 2023
йиллардаги олий даража-
даги учрашувлардан сўнг
янги босқичга чиқди. Икки
давлат раҳбарлари имзола-
ган битимлар ишга тушгач,
ўзаро товар айланмасида
кеskin ўсиш рўй берди. Ма-
салан, чорвачилик соҳасида
Ўзбекистонга Франция
тараққиёт агентлигининг
узоқ муддатли, имтиёзли 100
миллион евро кредити аж-
ратилди. Фарғона вилоятида
ўтган йили шу кредит асоси-
да ўнга яқин лойиҳа амалга
оширилди.



Фарғона шаҳридаги "Status
soft" оилавий корхонасида зах
қочириш учун ўрнатилган тик
қудуқ сувидан фойдаланиб,
форель балиқларини боқиш ва
керакли жиҳозлар учун Франция
кредит маблағи жалб этилди.

(Давоми 2-бетда).

"NEFTCHI" 2025
TANISHTIRUV MAROSIMI



ФАРҒОНАГА КАТТА ФУТБОЛ ҚАЙТДИ

Ўтган чоршанба кuni шаҳарнинг
марказий кўча ва майдонлари
"Нефтчи" жамоаси ишқибозлари
билан тўлди. Гарчи Суперлигада
Ўзбекистон чемпионати бошланган
бўлса-да, у Фарғонага 2-турда етиб
келди. Шу муносабат билан Театр ва
концерт саройида клуб аъзоларини
таништириш тантанаси
бўлиб ўтди.

(Давоми 4-бетда).



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ ЯРАТИЛМОҚДА

(Бошланиши 1-бетда).

Ўтган йилда эҳтиёжманд оилалар фарзандлари учун хусусий боғчалар харажатлари давлат томонидан қоплаб берилиши натижасида шаҳарда болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қамров даражаси режага нисбатан 102,6 фоизга етди.

Тарбияланувчиларга ўз вақтида сифатли таълим бераётган 1242 нафар олий маълумотли, 1075 нафар ўрта махсус маълумотга эга педагоглар босқичма-босқич малака тоифасини оширишлари учун йил давомида ўқув курсларига жалб этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги “Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида барча давлат мактабгача таълим ташкилотларида мажбурий бир йиллик тайёрлов гуруҳлари очилди.

Болаларни боғча ёшидан бошлаб, камиди иккита хорижий тил бўйича бошланғич маълумотга эга бўлишларини жадаллаштириш мақсадида шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бўлими қошида таълим ташкилотларида фаолият кўрсатаётган инглиз тили ўқитувчиларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши тузилди. Улар ҳафтада бир мараотаба ўзаро тажриба алмашишлари учун ўқув дастури ишлаб чиқилди.

Шунингдек, таълим ташкилотларида ўқув-тарбия жараёнининг сифат ва самарадорлигини ошириш юзасидан тасдиқланган режа асосида амалий семинарлар ўтказилди. Ўқувларда янги инновацион технологиялардан кенг фойдаланилган ҳолда ёш авлод онгига миллий урф-одат ва қадриятларни сингдириш лозимлиги тарғиб қилинди.

Мактабгача таълим ташкилотларининг моддий-техник базасини ривожлантириш масаласи доимо устувор аҳамият касб этади. Шу асосда тизимли равишда компьютер синфларини ташкил этиш чоралари кўрилди. Бу, ўз навбатида, болаларга эрта ёшдан бошлаб замонавий ахборот технологияларини ўргатиш ва келажакда юксак салоҳиятга эга бўлишларида хизмат қилади.

Тасарруфдаги 66, 67, 68-давлат мактабгача таълим ташкилотларида қурилиш ва бўёқдорлик ишлари амалга оширилди ва қўшимча равишда 1260 нафар бола ўрни яратилди.

Сир эмаски, тартиб ва интизом бор жойда тараққиёт янги босқичга кўтарилди. Шунинчанобатган олган ҳолда, мактабгача ва мактаб таълими бўлими томонидан боғчалар инфратузилмасини яхшилаш, жумладан, уларни филтёрланган ичимлик суви, санитария-гигиена инфратузилмаси билан тўлиқ таъминлаш ҳамда болаларга оксил, витамин, минераллар билан бойитилган сут ва йод билан тўйинтирилган нон маҳсулотлари берилишини тўлиқ назорат қилиб бориш мақсадида ишчи гуруҳ тузилди. Белгиланган график асосида мактабгача таълим ташкилотлари текширувдан ўтказиб борилди.

Таълим ва тарбия асосини маънавий-маърифий ишларсиз тасаввур этиш қийин. Болажонлар бўш вақтининг мазмунли ўтказилишини таъминлаш борасида мутлақо янги таълимий йўлга қўйди. Эндиликда маданий-маърифий, спорт, китобхонлик ва бошқа тадбирларни доимий ташкил этиш бўйича ҳафта кунларига алоҳида ном берилди.

Ўтган йилда вилоятимизда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ўртасида “Гимнастикага илк қадам” мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Фарғона шаҳар 52-давлат мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари фахрли 1-ўринни эгаллашди.

Давлатимиз раҳбари Учинчи Ренессанс пойдевори мактаб остонасидан бошланишини кўп бор таъкидлайдилар. Шу боғида, мактабларимизда таълим сифа-

тини яхшилаш масаласи долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан, шаҳардаги мавжуд 49 та умумтаълим мактабларида мунтазам равишда қўшимча ўрин яратилаётгани, қолаверса, мутлақо янги таълим шаклга эга бўлган Президент ва ихтисослашган мактабларнинг фаолият юритаётгани таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Шунинг баробарида, хусусий таълимга қўшимча енгилликлар берилиб, давлат-хусусий шериклик тамойили асосида янги мактаблар бунёд этилаётгани эътиборга молик. Икконияларидан самарали фойдаланаётган тадбиркорларимиз томонидан қурилган ва фаолият олиб бораётган хусусий мактаблар сони 22 тага етди.

2023-2024 ўқув йили якунларига кўра, 3 201 нафар битирувчилардан 1 545 нафари, яъни 48,3 фоизи олий таълим муассасаларига ўқишга кирди. 108 нафар ўқувчиларимиз мuddатидан олдин талаба бўлиш бахтига эришди.

2023 йилда хорижий тил факультетларининг 243 нафари халқаро даражадаги чет тилини билиш даражаси бўйича сертификатга эга бўлган бўлса, ўтган йилда миллий ва халқаро даражадаги сертификатга эга ўқитувчилар сони 340 нафарга етди.

Ўтган йилда Инвестиция дастури асосида республика бюджетидан 42,3 миллиард сўм маблағ ажратилиши натижасида Экошаҳарда 2 та 990 ўринли янги мактаблар фойдаланишга топширилди. 6, 9, 14, 42-мактабларда 26,3 миллиард сўм маблағ эвазига реконструкция ишлари олиб борилиб, 3235 нафар ўқувчи учун қўшимча ўрин яратилди.

Бундан ташқари, “Ташаббусли бюджет” асосида 8 миллиард 643 миллион сўм сарфланиб, 2, 4, 6, 16, 19, 20, 21, 24, 42-мактаблар учун ўқув жиҳозлари ва мебеллар сотиб олинди.

Бугун мамлакатимиз таълим тизими олдига яратувчан ва ижодий фикрлайдиган авлодларни воёга етказиш, уларда тадбиркорлик кўникмасини, шунингдек, зарур пайтда масъулиятни зиммасига олиш фазилатини шакллантириш талаби қўйилмоқда. Бунинг ижроси натижаси ўлароқ, ўқувчиларимиз орасидан халқаро, республика фан олимпиадалари ғолиблари, илғор IT соҳаси мутахассислари етишиб чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 майдаги “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига кўра, мактабгача ва умумий ўрта таълимининг янги босқичга олиб чиқиш, унинг сифатини ошириш ҳамда таълим дастурларини такомиллаштириш мақсадида 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич умумий ўрта таълим муассасаларининг 1-4-синфларида ўқувчиларга бошланғич, 5-9-синфларида таянч ҳамда 10-11-синфларда уларнинг қизиқиш ва қобилиятига мос бўлган билимларни беришга йўналтирилган ўқув дастурлари ва ўқув-методик мажмуалар жорий этилмоқда.

Умумий ўрта таълим муассасаларининг бошланғич синфларида информатика фани, ўрта синфларда эса ўқувчиларнинг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган дарслар жорий этилди. Барча фанлар бўйича амалий машғулотлар улуши 60 фоизга етказилди. Бунда, дарслардаги мавзулар аниқ муаммони ҳал қилиш орқали ўргатилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мактабгача ва мактаб таълимининг Учинчи Ренессанснинг икки узвий ҳалқаси, боғча тарбиячиси ва мактаб муаллимини эса янги Ўйғонish даврининг икки буюк таянч устуни дея таърифлаш мумкин. Чунки таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди. Бу — шарқона қараш фалсафасидир.

Жараён

Farg'ona haqiqati



ФРАНЦИЯ КРЕДИТИ АСОСИДА БАЛИК ПАРВАРИШЛАНМОҚДА

(Бошланиши 1-бетда).

— 2 000 квадрат метрга 30 та ховуз қурганмиз. Уларнинг сув ҳаҷми 1500 куб метрни ташкил қилади. Мақсадимиз — ҳар бир куб метрда 50 килограмм форель балиғини етиштириш, — дейди

Умиджон Мадаминов.

Франция тараққиёт агентлиги кредитларининг яна бир жозибадор томони бор. Бу кредитлар нафақат имтиёзли, узок муддатли ва кам фоизли, балки муваффақиятли амалга оширилса, бир қисми қангрга айланиши ҳам мумкин.

Паррандачилиқни ташкил этган ёки балиқчиликни йўлга қўйган, гўшт, сўт маҳсулотларини қайта ишлашга сармоя киритаётган фермерларга бириктирилган лойиҳаларга олинган кредитларнинг маълум қисмини грант тариқасида қайтариб бериш каби амалиёт йўлга қўйилди.

Ўтган чоршанба кўни Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев Францияга давлат ташрифи билан борди. Ташриф натижаларидан фарғоналик тадбиркорларнинг ҳам умиди катта. Зеро, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш йўлида янги шартномалар имзоланиши шак-шубҳасиз.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

учрашиб, улардан маслаҳат олди, тажрибаларини ўрганди. Мана энди хавзаларга ташланган уруғлар катта балиқларга айланапти. Бунинг фарғоналик бошқа тадбиркорлар ҳам Франция кредитига қизиқиш қолдилар.

— 2025 йилда Франция тараққиёт агентлигидан 100 миллиард сўмдан ортқ кредит олиш учун режалар белгилаб олинди, — дейди Франция тараққиёт агентлиги лойиҳасининг Фарғона вилоятидаги координатори Санжарбек Эргашев.

— Жойларда биз фермер ва тадбиркорлар билан учрашиб, уларга Франция тараққиёт агентлиги кредит линиясининг имтиёзлари, 7-10 йилга мўлжалланганлиги, шу билан бирга, фоиз ставкаларининг паслиги бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдамиз.

Умиджоннинг режалари катталиги боис, у фаолият кўрсатаётган иссиқхона ўрнида каттагина балиқ боқиш хавзалар мажмуасини қурди.



— Форель балиқларини етиштириш дастгоҳларини сотиб олиш учун 1 миллиард 50 миллион сўм миқдорига кредит маблағи олдик, — дейди оилавий корхона раҳбари Умиджон Мадаминов. — Бу турдаги балиқнинг сувдаги кислородга бўлган талаби катта. Кислород миқдори 1 литр сувда 7,5 миллиграммдан кам бўлмаслиги керак. Шунинг учун кислород ишлаб чиқарадиган ва сувни зарарсизлантирадиган дастгоҳлар сотиб олганмиз.

Умиджон Мадаминов дастлаб учта хавзада иш бошлади. Дастлаб Намангандаги тик қудуқ сувиди ва Норин дарёси бўйида форель балиғи боқаётган фермер ҳамда тадбиркорлар билан

Қонун ва ижро

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ХУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш соҳасида содир этилган хуқуқбузарликлар учун хуқуқий таъсир чораларини қўллаш тартиби белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Энергияни тежаш, ундан оқилон фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2025 йил 26 февралда “Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишда содир этилган хуқуқбузарликлар учун хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан хуқуқий таъсир чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарор қабул қилди.

Мазкур низом ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишда содир этилган хуқуқбузарликларни аниқлаш ва хуқуқбузарликларга йўл қўйган хўжалик юритувчи субъектларга (юрлик шахслар, шунингдек, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар) нисбатан хуқуқий таъсир чораси сифатида молиявий санкциялар қўллаш тартибини белгилайди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ваколатли орган ҳисобланади. Қонунга мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ хуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланганда, ваколатли орган томонидан хуқуқий таъсир чораси сифатида молиявий санкция-

лар қўлланилади.

Шу ўринда аниқлик киритмоқчимизки, энергияни тежаш, ундан оқилон фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш соҳасидаги хуқуқбузарликлар учун молиявий санкциялар суд тартибидида қўлланилади. Бундан хўжалик юритувчи субъект содир этилган хуқуқбузарликдаги айбини тан олган ва молиявий санкциянинг суммасини ихтиёрий тарзда тўлаган ҳоллар мустасно.

Молиявий санкциялар давлат назоратини амалга ошириш доирасида ўтказиладиган назорат тадбирлари асосида қўлланилади. Ваколатли органнинг ваколатли шахслари томонидан назорат тадбирларини ўтказиш доирасида аниқланган хуқуқбузарлик тўғрисида тегишли тартибда далолатнома тузилади. Бундай далолатномаларни субъект раҳбари имзоланиши таъминланади.

Агар назорат тадбирлари доирасида хўжалик юритувчи субъект фаолиятида қонунчиликда белгиланган хуқуқбузарликларнинг бир нечта тури аниқланса, барча хуқуқбузарлик ҳолатлари битта далолатномада акс эттирилади ва ҳар бири бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда алоҳида жавобгарликка тортиш чоралари қўйилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбари ёҳуд у томонидан ваколат берилган шахс далолатномага имзо қўйган ҳолда

танишишдан ва йўл қўйилган хуқуқбузарлик ҳолати юзасидан тушунтириш беришдан бош тортиши ёки бошқача тарзда далолатнома билан танишишдан бўйин товлаш ҳолатлари хуқуқбузарликни аниқлаш ва расмийлаштиришнинг кейинги жараёнларининг тўхтатилишига асос бўлмайди.

Бунда, ваколатли органнинг ходимлари томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари ёки у ваколат берган шахс имзо қўйиш ва хуқуқбузарлик юзасидан тушунтиришлар беришдан бош тортганлиги тўғрисида ҳолислар иштирокида далолатнома расмийлаштирилади.

Ваколатли органнинг ходимлари томонидан тузилган далолатномалар ҳамда ваколатли орган томонидан қабул қилинган қарор молиявий санкциялар қўллаш учун асос ҳисобланади.

Г.ХОЛМАТОВА,
Ф.АМАНОВ,
Қўқон туманлараро иқтисодий судининг судьялари.

Матбуот анжумани

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бошқармасида вилоят ИИБ томонидан 2024 йилда жиноят ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар таҳлили ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 3 январдаги “2025 йилда Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан ўтказилган матбуот анжуманида бошқарма бошлигининг жамоат хавфсизлиги хизмати бўйича ўринбосари, подполковник Фаррух Ўсаровнинг ахбороти ештилди.

ХАВФСИЗ МУҲИТ ЯРАТИЛМОҚДА

Таъкидланганидек, ички ишлар органлари тизимига замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали жиноятчиликни барвақт аниқлаш борасида қатор ишлар олиб боришмоқда.

— Ўтган йил бошқарма томонидан рақамлаштириш йили деб эълон қилинган ҳолда, ҳудудларга 46 минг 895 та видеокузатув камералари ўрнатилди, 1063 та маҳалланинг 5614 та кириш ва чиқиш жойлари тўлиқ рақамлаштирилди. Содир этилаётган жиноятларнинг қарийб 30-40 фоизи кузатув камералари ва замонавий қурilmалар ёрдамида фош этилди, — деди Фаррух Ўсаров. — Қарорда белгиланган вазифаларни амалиётга жорий этиш мақсадида 1063 та маҳалла фуқаролар йиғинларида “Йўл харита”лари ишлаб чиқилди. 456 та “Намунали хавфсиз кўча”, 1140 та “Намунали хавфсиз йўлак”лар ташкил қилиш, 700 та кўп қаватли ва яқка тартибдаги хонадонлар, савдо ва маийий хизмат кўрсатиш объектларни домофонлар билан жиҳозлаш ишлари давом этмоқда.

Натижада жойларда юз бериши мумкин бўлган турли жиноят ва бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинмоқда, хуқуқбузарликлар сони кескин камайяпти. Шунингдек, яқка-ёлғиз фуқаролар, жанжалкаш ва нотинч оилалар, муқаддам судланган, жазони ўташ муассасаларидан озод этилган шахсларни доимий назорат қилиш йўлга қўйилди.

Ахборотда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ўткир тигли буюмлар олиб юриш ҳолати авж олаётгани қайд этилди. Шу ҳолатда 1182 нафар фуқарога нисбатан маъмурий баённомалар тузилган.

Матбуот анжумани иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга тегишли жавоблар олишди.

Ўз мухбиримиз.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар...

■ Жонлантириш бўлимида кў-
зини очган аёлни палатага олишди.
— Ҳамманинг боласи она бошида пар-
вона, битта меники бегона. Отасига тортган-
да, бемехр. Отасиям бир бетайин, пиёниста эди.
Ажалидан беш кун олдин ўлиб кетди.
Қаҳрга қоришган бу зорланишдан палатадошлари сер-
гак торттишди.
— “Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада”, дейиша-
ди, шерик. Бу дунёда ким меҳрга тўйибдики, биз тўйсак.
— Бир дунё меҳр сўрабимидимки, шуниям онасига илинмаса
бу, тошбағир.

Аёл чуқур хўрсиниб, “уф” тортди. Бу унинг анча йиллардан
бери қайта-қайта айтилавериби, маромига етган арз-додини
бошлашга тараддуд ишораси эди.

— “Тилаб-тилаб топганимни эчки тепиб ўлдирди”, деб
бежиз айтишмас экан. Уни шу ниятда ўстирганмидим? Бо-
лам менга моддий кўмак беришга мажбур. Шунини тушунма-
япти, нотапон. Хайрият, махалла-қўй, ҳокимият бор экан.
Ҳолимдан хабар олиб, ёрдам бериб туришибди. Лекин,
“Қўлдан берганга қўш тўймас”, деган гап бор. Менам бо-
лам билан, невараларим қўршовида яшагим келади. Бир
хоналик квартирада моховдек умрин ўтатпти. Ёзмаган жой-
им, кирмаган идорам қолмади. Ҳеч бири мондитаб чора
кўрмайди. Додимни сизлардан бўлак эшитадиган одам ҳам
қолмади.

Ҳамхоналарнинг юзида ачиниш аломати пайдо бўлиб,
аёлни юпатишга уриндилар. Кексайганда ҳаётини тақдир
измига топширган, боласидан эътибор, бир чимдим меҳр
сўраётган онани бу қўйга солган, бир оғиз ширин сўзини ўн-
дан дариг тутган фарзанд ким бўлди экан, деган ўй билан ёқа
ўшлашди.

— Ўн йилдан бери ялинаман, ёлвораман. Орага одам ҳам
қўйдим. Ахйир, рози бўлиб, уйига олиб кетди. Мени жо-
нимдан тўйдириш учун шундай қилган экан, энди билсам.
Ушшатмасдан учратмас, хотини дажжол. Менга кун бермади. Ўн
беш кун зўрга чидадим. Э бор-э, дедим, домга кеволдим. Ажаб
қилдим. Онанинг қаддини билмаган, хотинига итдай талатган
боладан яна нимаям кутардим? Уйга қайтинг, деб ортимдан
келаримкан, деган ўйда олти ойни ўтказдим. “Онам қани?”, деб
сўраб ҳам қўймади. “Дамкузир”нинг чизган чизигидан чиқмайди
бу, хотинкули.

— Ёрдам-пордам бериб турадимми?
— Қаёқда. Ушандан берисигаям уч марта балнисага тушдим.
Давлениядан. Ёрдам бериш тугул, хабар олгани ярамайди. До-
ри-уқолгаям пулни бировлардан оламан. Мендан қайтмаса,
худодан қайтсин.

Ҳамхонасининг бардоши тугаб, йиғлашга тушди. Иккин-
чи аёлнинг дийдаси қаттиқроқ шекилли:

— “Мен боламни дейман, болам боласини”, деган ма-
шойихлар. Куйинманг, яна қон босимингиз кўтарилиб
кетаси. Садқан ўғил кетсин. Беш кунимиз қолдимми,
йўқми, бунақа ёмон хаёлларга берилмай, кекса-
лиқнинг гаштини сунинг. Узингизни ўйласангиз-
чи, шерик.

Ҳа, аёл ўзини ўйлай-ўйлай, етган жойи
шу бўлди. Шериклари эрта-индин
соғайиб, ўйларига кетишади, аммо
аёлнинг гаплари уларнинг хотира-
сидан кўтарилмайди. Уларидан
қўшиб-чатиб, янаям аянчли
тўс бериб, сўзлаб юри-
шади. Бирники

мингга, мингники туман-
га — эшитган борки, қўлоғига
ишонади.

Бу аёлни танийман, бир пайтлар
тахририятнинг сокин хоналари-
дан бирида унинг арзини тингла-
ганман. Давру даврон суруридан
маст, эртага нима бўлишини хаё-
лига келтирмай, умрининг олти-
шинчи бекатида ёлғиз қолди. Эри
бевақт оламдан ўтиб кетди. Ёлғиз
ўғилнинг ахволи эса — бу.

Одам кексайганда нима учун
асога суянади? Фарзандлар хами-
ша ҳам ота-онанинг бе-
лига қувват

бўлавермайдилар.
Чунки, меҳр қўриш учун
аввал уни бериш керак эмас-
ми? “Экканингни — ўрасан”
дейишади-ку! Аммо ҳеч
ким ўзига “Нега шундай
бўлди?”, деган савол-
ни бермайди.

Тўғрироғи, бе-
ришдан кўр-
қади. ■

чет элга пул иш-
лаш мақсадида
кетган. Қўшни аёл,
ўз навбатида, қиза-
лоқни ҳуқуқ-тартибот
идораларига топшир-
ган. Тўққиз ой давомида
ўзидан ҳеч қандай хабар
бермаган. Қизалоқдан хабар
олмаган аёл оналик ҳуқуқидан
маҳрум қилинган”.

— Ўша қизалоқ билан “детдом”да
бирга улғайдик, — дейди у намуққан
кўзларини пирпиратиб. — Оналаримизга юзлаб
марта жўнатилмаган жавобсиз хатлар ёзганмиз.
Муассасанинг темир дарвозаси олдида уларни соатлаб
кутиб ўтирганмиз. Маъна шу парча қоғозни нега хануз ас-
раб юрганамми биласизми? Ўша қизалоқ ҳозирда менинг жуфти
халолим. “Икки ёрти — бир бутун”, деганларидек, ота-оналаримиздан
кўрмаган меҳрни бериб, бир-биримизга суяниб яшаямиз.

— Онангиз...
— Онам шу кетганча, ўн беш йилдан сўнг шаҳарда пайдо бўлди.
Салтанат холам уни уйимга бошлаб келди. “Мана онанг, қўриш,
соғингандирсан?” деди. Иброҳимжон бошқа гапирмади, ичидан кел-
ган йиғини сездирмаслик учун “йўтали тутди”.

Бу ёғини айтмаса ҳам, тасаввур қилиш қийин эмас. Она-бола бир-
бирига қанча лаҳза тикилиб туришди — номаълум, бироқ шу мўддат
ичида уларнинг кўнглидан нималар кечгани кундек равшан. Сўнгра
кутилмаган ҳолат юз берди: ўғил терс ўгирилиб, уйига кириб кетди.
— Кейинчалик эс-хушимни йиғиштириб, Салтанат холамнинг даш-
номи билан онамни уйимга олиб келдим. Кўп турмади. Аёлим бил-
лан мурасиси келмади. “Бирингни икки қилмайди бу хотининг.
Вақтида қўйвормасанг, охири сени хор қилади, шайтоннинг
урғочиси” дегани энди-энди илий бошлаган кўнглимга баттар
совуқлик солди. Кейин домга кетди. Хабар олай, деб бир-икки
хузурига бордим. “Нима, мен сенга гадойимани? Берсанг да-
дил-дадил бер. Йўқса йиғиштир”, деган аччиқ гапни эшитдим.
Ўшандан буён шикоят қилишдан тинмайди. Мана, сизгаям бориб-
ди...

Иброҳимжонга бир нима дейишга ожиз эдим. Ушбу воқеа
ҳақида мушоҳада юритишни ўзингизга қолдираман, ҳурматли
газетхон. Аммо, инсон дилини хира қиладиган, минг афсуски,
хануз бежавоб қолаётган саволларни айтмасам бўлмайди.

Аёл ва эркакнинг энг буюк бахти — оналик ва оталиқдир.
Аммо ҳаётда буни англамайдиган инсонларнинг борлиги аянч-
ли. Қонунларимизда ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи
шахслар ўз фарзандларини воёга еттунига қадар боқши,
уларнинг тарбияси, таълим олиши, ҳар томонлама камол
топиши учун ғамжўрлик қилишга мажбур эканлиги бел-
гиллаб қўйилган. Миллионлаб табарруқ ота-оталар бу
мажбуриятларини шараф билан адо этаёттирлар.

Таассуфки, оилага енгил-елпи қарайдиган,
“бир кунини қўриб кетар” қабилида ўз
хузур-ҳаловатини ўйлайдиган ота-оналар
ҳам ҳаётда кўряпмиз-ку! Ичкилика,
ғиёҳванлиқка муккасидан кетган, шаҳарма-
шаҳар, давлатма-давлат изғиб юрганлар оз-
ми?

Маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда
2023 йилда 1240 нафар воёга етмаганларга
нисбатан зўравонлик ҳолатлари қайд этил-
ган. Бундан-да дахшатлиси, сўнгги уч йилда
2000 нафардан ортиқ фуқаролар ота-оналик
ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Бунга эса улар-
нинг катта қисми, яъни 86 фоизидан
ортиғи ота-оналик мажбуриятла-
рини бажармагани, фарзандини
ташлаб кетгани сабаб бўлган. Бу
— энг камида шунча бола қалбда
армон, соғинч, юрагида мислсиз
дард юқини кўтариб улғаймоқда,
деганидир.

Мунчоқ кўзларини етти ёт бего-
нага жовдиратиб ташлаб кетилган,
унсиз фарёд чекиб, сизу биздан
меҳр-шафқат сўраётган болаларга
эртага нима деймиз? Улғайганда
уларнинг ота-она меҳрига ташна
қалбига, чандик тушган юракла-
рига қандай малҳам қўямиз?

Абдужалил
БОБОЖОНОВ.

БИР ЧИМДИМ БЕР МЕҲРИНГДАН, БОЛАМ

Юракка буюриб БЎЛМАЙДИ

— Ҳар сафар “Мен онангман” деганида, вужудим бир зирқирайди.
Ўртамизда гўё меҳр ришталари узилгандек. Бошқалар онаси-
га соғинч билан талпинади, бағрида эркаланиб, меҳрига ўяди.
Менда шу тўйғу йўқ бўлса, нима қилай? Юракка буюриб бўлмас
экан-да, — деган эди ўғли. — Онам эрталаб қикиб кетганича, ярим
тунда қайтарди. Бақир-чақирдан чўчиб уйғониб кетардим. Дадам
ҳам сурункали ичарди. Икки маст ёқалашиб, домнинг йўлагига
чиққач, қўшнilar милиция чақирларди. Қўрққанмидан кўрпага
бурканиб, йиғлаб тонг оттирардим. Шу зайдда иккинчи синфга
ўтдим. Ўша йили қишнинг қаҳратон кунларидан бирида дадам уйга
қайтмади. Тонгда уни уйимиз йўлагига ўлик ҳолда топишди.

Боалик онларини эслашни истамаётгани йигитнинг
юз-кўзидан билиниб турарди.

— Дадамнинг вафотидан кейин ахволимиз баттар ёмон-
лашди. Тарқи одат — амри маҳол. Онам қилиқларини
ташламади. У билан уришиб-ёқалашадиган дадам
энди йўқ эди. Бор захрини менга сочарди. Бир кун
у елкамдан чангаллаб: “Сен дардисардан қачон
кўтуламан?!” деб итариб юборди. Бошим бил-
лан деворга урилдим. Кунда-кунаро бўладиган
зуғумлардан бешиб, уйдан қочиб кетмоқчи ҳам
бўлганман. Энди билсам, уйимиздан, онамдан
кўнгил узолмаган, юрагимнинг бир четига
сакланиб турган меҳрдан мосуво бўлмаган
эканман ўшанда.

Бирок онага ўғил керак эмас эди. Ои-
ланинг турмуш тарзи аллақачон таназзулга
юз тутган, унинг фикру ўйини мўмай пул
топиб, “роҳат-фароғат”да яшаш орзуси
чўлгаб бўлган эди. Она-бола тубсиз жар-
лик томон кетаётган эдилар. Атрофда
аёлни бу йўлдан қайтарадиган, боланинг
бахтини асраб қоладиган қариндош-уруғ,
қўни-қўшини йўқ эди гўё. Ҳамма ўзи билан ўзи
овора, уларнинг нураб бораётган оиласига ачи-
ниш ҳисси билан қарашдан нарига ўтишмасди.

— Дадамнинг вафотидан кўп ўтмай, мени ду-
гонаси Салтанат холамга ташлаб, ўзи чет элга
кетди. Холамнинг айтишича, бошида уч-тўрт ой
менинг таъминотим учун пул жўнатиб турди.
Кейин пул ҳам, ўзидан хабар ҳам келмай қўйди.
Шу билан ҳаммаси адоғига етди. Ришталар
“чирт” узилди. Худдики, ўғилнинг онаси, аёл-
нинг боласи бўлмагандек.

— Иброҳимжон ўғлим, — деди Салтанат хо-
лам кунлардан бир кун. — Мана тўрт йилдирки,
онангдан дарак йўқ. Боши омон бўлса, келар.
Менам жўжабирдай жонман, рўзгор аравасини
бир ўзим тортаялман. Тўрт болани едириб-ичи-
риш, катта мактабларда ўқитишнинг ўзи бўлмайди.
Сени “детдом”га топширишдан бошқа иложим
қолмади. Мендан хафа бўлмагин, жон болам.

Холамдан хафа эмасман. Бу оилага келганимда
унинг эри хорижга ишлагани кетиб, ўша ёқларда ўй-
ланиб олганини акамлардан эшитган эдим. Холам бу
ҳақда бизга чўрқ этмас, фақат аҳён-аҳёнда кечала-
ри “ох” тортиб йиғлаётганларини пайқаб қолардим.
Шундай қилиб, “Меҳрибонлик уйи”да улғайдим. Хо-
ламларникига ҳозир ҳам тез-тез бориб тураман.

Иброҳимжон газетадан қирқиб олинган бир парча
қоғозни менга узатди. Унда шундай сўзлар ёзилган
эди:

“Фарғоналик бу аёл оналик ҳуқуқидан маҳрум этил-
ган. У эридан ажрашгач, қизини қўшни аёлга ташлаб,

КОРРУПЦИЯ — КЕЛАЖАККА ТАҲДИД

■ Жамият қушандасига қарши курашиш — умум-
миллий вазифа, ҳар бир ватанпарвар юртдоши-
мизнинг виждон ишидир. Умуман, бу жараёндан
ҳеч ким четда турмаслиги керак.

Жорий йил 5 март куни Президент Шавкат Мирзиёев раис-
лигида коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижа-
дорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган
кенгайтирилган ййгилишда таъкидланганидек, кейинги йил-
ларда юртимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши
курашиш бўйича аниқ тизим яратилди, алоҳида қонунлар
қабул қилинди. Парламент палаталарида масъул қўмиталар,
Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш ва
агентлик ташкил қилинди. Энг муҳими, жамиятда корруп-
ция муаммосини жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқадиған
очиқ тизим, очиқ муҳит яратилди.

Қайд этилганидек, очиқлик бўйича халқаро рейтингларда-
ги мамлакатимизнинг ўрни 138 поғонага яхшиланиб, Марка-
зий Осиёда биринчи, дунёда 30-ўринга кўтарилди.

Инсон умри давомида жамиятда ижтимоий фойдали фао-
лият билан шуғулланар экан, бу жараёнда унинг шахсий ман-
фаатлари билан халқ манфаатлари тўқнаш келиши табиий
ҳолатдир. Бундай вазиятда миллат келажагини, давлат ва
жамият манфаатларини ҳамда виждонини ўзининг нафсидан,
мол-дунёга бўлган хой-хавасларидан, умуман, ўз манфаат-
ларидан устун қўймай туриб Ватан равнақига ҳисса қўшиб
бўлмайди. Бунинг учун инсонда юксак маънавият ва унинг
негизда ҳуқуқий маданият шаклланган бўлиши керак.

Бироқ инсоннинг ана шундай олий максдаларга бўлган ин-
тилишига тўсқин бўлувчи ва унга хавф солувчи коррупцияга
қарши кескин курашмай туриб давлат ва жамиятни ривож-
лантириш мумкин эмаслигини кундалик ҳаётнинг ўзи исбот-
лаб берди. Шу боисдан, 2017 йил 3 январда “Коррупцияга
қарши курашиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг
Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг асосий мақсади ҳам
коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни
тартибга солишдан иборатдир.

Афсуски, ислохотлар йўлидаги энг катта тўсқин ва ғов кор-
рупция бўлиб қолмоқда. Бунини жамиятда учраб турган жино-
ятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳам исботлаб турибди.
Судлар томонидан одил судловни амалга ошириш соҳасида
фаолият олиб борувчи судья ва суд ходимларининг ҳам кор-
рупцияга оид жиноятларни содир этишлари ачинарли ҳолат,
албатта. Шу сабабли суд тизимида коррупциявий хавф-
хатарларнинг олдини олиш, судьялар ва суд ҳокимиятининг
нуфузини ошириш ҳамда фуқароларнинг судга бўлган ишон-
чини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Пре-
зиденти Шавкат Мирзиёев судьялар билан ўтказган учра-
шувда “Судьянинг дилида поклик, тилида ҳақиқат, онгида
адолат бўлиши керак” дея таъкидлаб ўтдилар. Давлатимиз
раҳбарининг бу сўзлари ҳар бир судьянинг амалий фаоли-
ятида дастуриламал бўлиши шарт.

Қайсики судья ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида
кўнгли, дили пок бўлиб, тили ҳақиқатдан ўзга нарсани
сўзламаса, онгида ўз нафсини, ўз манфаатини давлат ва жа-
мият, халқ манфаатидан устун қўйишни ўйламаса, у чинакам
адолатни юзага чиқарган бўлади.

Суд ишларини юритишда шаффофликни таъминлаш, мил-
лий электрон суд тизимининг жорий этилиши эса адолат-
ни таъминлашнинг мезонларидан ҳисобланади. Адолат —
ҳуқмрон, қонун — устувор бўлган мамлакат барқарордир.
Зеро, Соҳибқирон Амир Темур давлатини бошқаришда “Куч —
адолатда” тамойилига қатъий амал қилган. Адолат ҳар нар-
садан устун бўлган теурийлар давлатининг қудрати дунёни
ларзага келтирганига тарих ғувоҳлики беради.

Демакки, коррупция мавжуд бўлган ҳар қандай давлат
бошқарувида, ҳар қандай жамиятнинг ҳаётида ривожла-
ниш тараққиёт бўлмаслиги аниқ. Зеро, коррупция — миллат-
нинг заволи дейилиши бежизга эмас. Шу боис, коррупцияга
қарши курашишга кенг жамоатчиликни жалб қилиш тақозо
этилмоқда. Барчамиз ягона куч бўлиб ҳаракат қилсак, албат-
та, ижобий самарага эришладим.

И.КУЗИБАЕВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро
суди раиси ўринбосари.
М.ҚОДИРАЛИЕВ,
Фарғона шаҳар адлия бўлими бошлиғи.

Билимли, ҳунарли ёшлар — КЕЛАЖАГИМИЗ

■ Юртбошимиз ҳар гал мактаб таълими ҳақида сўз
қилиб “Нажот мактабда, нажот таълимда, нажот
билимда” дея таъкидлайдилар. Мактабни муқаддас
даргоҳ дейилишида ҳам олам-олам маъно мужас-
сам. Бу ерда келажак авлод билимгига эмас, юксак
тарбия ҳам олади. Сифатли таълим ортидан эриши-
лажак муваффақиятли натижа эса ана шу билим
масканида фаолият олиб бораётган устозлар билан
чанбарчас боғлиқ.

Туманнинг “Қорақўйли” ма-
халла фуқаролар йиғинида
жойлашган мактабимизда
843 нафар ёшлар ўқишмоқ-
да. Уларга 74 нафар ўз кас-
бининг фидойиси бўлган ўқи-
тувчилар сабоқ бермоқдалар.

Ўқитувчилик фоят масъ-
улиятли касб. Устозлар буни
чўқур ҳис қилган ҳолда таъ-
лим сифатини яхшилаш, жа-
миятда ўқитувчи макомини
янада ошириш, ўқувчи ёш-
ларни замон талабларига
жавоб бера оладиган билим-
ли ва ҳунар ўргатишда бир
ёқадан бош чиқариб меҳнат
қилишмоқда. Уларнинг ака-
рияти миллий ва халқаро да-
ражадаги сертификатга эга.

Мактабда ўқувчи билан
ўқитувчи ўзаро самимий му-
носабатда бўлиши дарс жа-
раёнида берилаётган маълум-
отларни тушунарли бўли-
шига олиб келади. Ўқувчилар
жуذا тиришқоқ, зукко. Фан
олимпиадаларига ўқув йили
бошидан тайёргарликларни
бошлаб юборишади, сино-
ларда муваффақиятли ишти-
рок этишади. 4200 дан зиёд
турли ўқув ва бадий адаби-
ётларни ўзида жамлаган ку-
тубхона ҳам доим ўқувчилар
билан гавжум.

Ўтган ўқув йилида 18 на-
фар битирувчини мустақил
ҳаётга қузатган эдик. Улар-
дан 14 нафари мамлакатимиз-
даги олий таълим муасса-
саларига қабул қилиндилар.
Бу эса туман мактаблари
орасида энг юқори кўрсаткич
сифатида қайд этилди. Соҳиб
ўқувчиларимиздан Рухсо-
на Ҳамзалиева, Маржона
Анорова, Махлиё Йигитали-
ева жаҳон тиллари универ-
ситети, Аҳдажон Турдали-
ев Тошкент тиббиёт акаде-
мияси, Моҳидил Мавлонова
Қўқон педагогика институти-
га юқори балл билан ўқишга
кирди.

Тобора ривожланиб бо-
раётган мамлакатимизнинг
истикболи — ёшлар. Улар-
ни баркамол шахс сифа-
тида улғайтириш эса биз
педагогларга катта масъу-
лият юқилади. Ҳар ўқувчи
қалбида ватанпарварлик
ҳиссининг жўш ургани, кас-
бини севгани, ўқувчиларни
бошидан тайёргарликларни
қўзалаётган ютуқларимизнинг
қалити бўлиб хизмат қилади,
албатта.

Гулҳаё ТОЖИБОЕВА,
Бешарик туманидаги
12-умумтаълим мактаби
директори.

Фарғона шаҳар, Янги аср кўчаси, 162-ўй, 48-хона-
донда жойлашган “BOI LIFE BEAUTY” МЧЖга тегишли
бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тарихга назар

ҲАЗРАТИ
УСМОН ҚУРЪОНИЎзбекистонга қандай
қайтарилган эди?

Тарихдан маълумки, буюк Амир Темур Сурия ва Ироққа қилган ҳарбий юриши чоғида исломнинг мўтабар китоби – Усмон Қуръонини Самарқандга келтирган. Ушбу муқаддас китоб узок йиллар давомда кўхна шаҳардаги Хўжа Аҳрор Валий масжидида сақланган.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида бугунги Марказий Осиё ҳудудларини босиб олган Чор Россияси ҳарбийлари томонидан юртимиз, халқимиз тарихига оид жуда кўп осори-атиқалар, нодир китоблар, қўлзмалар олиб кетилган. Жумладан, Чор Россияси генерали фон Кауфман Ҳазрати Усмон Қуръонини тортиб олиб, 1868 йилда Россияга юборган ва у октябр тўнтаришига қадар Петербургдаги подшо кутубхонасида сақланган.

Ҳазрати Усмон Қуръони 1917 йилдаги октябр инқилобидан сўнг Уфага, кейинроқ эса Тошкентга олиб келинган. Муқаддас китобни юртимизга қайтариш, албатта осон кечмаган. Миллат, дин фидойисин бўлган бир ғуруҳ илгор юртошларимизнинг саъй-ҳаракати билан қайтарилган.

Андижон давлат университети қошидаги "Қатагон қурбонлари хотираси музейи" раҳбари, тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Шамсутдинов раҳбарлигида тарихчи олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар давомида Усмон Қуръонини юртимизга қайтариш билан боғлиқ мамлакатимиз ва Россия архивларида сақланаётган ҳужжатлар ўрганиб чиқилди, улардан нусхалар олинди, ўзбек тилига таржима қилинди.

Профессор Рустамбек Шамсутдинов муқаддас китобни юртимизга қайтарилишига оид жараёнларни ҳукумат ва диний идораларнинг тарихий, расмий архив ҳужжатлар асосидаги ўрганишлари аёнлари бўйича хулоса-маълумотларни кенг жамоатчиликка эълон қилди. Ушбу мавзудаги мақола "Водийнома" илмий, ижтимоий-тарихий журналида чоп этилди.

Октябр инқилобидан сўнг – 1917 йилнинг декабрь ойида Петроградда бўлиб ўтган мусулмонлар қурултойи қарорида мусулмонлардан чор ҳокимияти томонидан мусодара қилган Усмон Қуръонини қайтариш ҳақида бандлар қиртилган. Яъни, қарор резолюциясида: мусулмонларнинг муқаддас ёдгорлиги – Ҳазрати Усмон Қуръони мусулмонларнинг ўз қўлида бўлиши кераклиги, Ички Россия ва Сибирь мусулмон миллий парламенти томонидан китобни Уфа шахрига олиб келиш, бу вазифага масъул этиб, Бутунроссия мусулмонлари ҳарбий шўраси раиси ўринбосари Усмон Тоқумбетов ҳамда Миллий парламент аъзоси Керим Саидов тайинланади.

Мусулмонлар талаби инобатга оlinиб, РСФСР Халқ Комиссарлари Совети муқаддас Усмон Қуръонини Ички Россия ва Сибирь мусулмонлари миллий парламентида қайтариб бериш юзасидан тегишли қарор қабул қилади. 1917 йил 19 декабрдаги мазкур ҳужжат Халқ Комиссарлари Совети раиси В.Ульянов (Ленин), Совет ишлари бошқарувчиси Бонч-Бруевич, котиб Н.Горбунов

томонидан имзоланган.

Шу тариха Ҳазрати Усмон Қуръони 1918 йил бошларида Бутунроссия мусулмонлари советига берилиб, Уфа шахрига олиб келинган. Бу ҳақда Туркистонда чиқадиған "Хуррият" газетасининг 1918 йил 8 мартдаги 77-сонида қуйидаги ахборот берилган:

"... Ярим асрдан бери Петербург музей хонасида сақланмоқда бўлган Ҳазрати Усмон Мусхафи шарифи 19 январда улўф бир аскарарий хайбат ила Уфага келтирилди. Хайбат бошинда Петербург мўтабаротиндан Амин Афанди Мақсудов бор эди. Бу Мусхафи шариф мусулмон аскарлари миллий идора тарафиндан сайланган хайбат ва бошқа мўтабарони исломия тарафиндан тантанали суратда қарши олинди. Мусхафи шарифни диния назоратина топширмоқ маросими ҳам ниҳоятда тантанали суратда ижро этилиб, таъсирли нутқлар сўйланди".

1923 йилга келиб, Тошкент ва Жиззах улаомлари Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитетига муқаддас Ҳазрати Усмон Қуръонини Тошкентга қайтарилишини сўраб мурожаат қилади. Ана шу мурожаат бўйича Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети РСФСР Миллатлар иши халқ комиссарлигига ва бошқа идораларга Усмон Қуръонини қайтарилиши бўйича кўплаб хатлар юборилади. Бу борадаги ишларга Туркистон давлатининг раҳбари Иномжон Хидиралиев бевосита раҳнамолик қилади.

Совет ҳокимияти 1923 йилнинг баҳорида Туркистон Республикаси (Тошкент ва Жиззах улаомларининг мурожаатлари) илтимосига кўра, Ҳазрати Усмон Қуръонини Тошкентга юборишга қарор қилади.

Ушбу масала 1923 йил июнь ойида Уфада бўлиб ўтган Бутунроссия Мусулмонлар қурултойида ҳам кўриб чиқилади. Қурултойда Туркистон Мусулмонлари вакиллари Қуръонни Тошкентга қайтариш юзасидан чиқишлар қилади.

Совет ҳокимиятининг тегишли қарорлари асосида Бутунроссия мусулмон руҳонийлари қурултойи 1923 йилнинг 14 июнида Усмон Қуръонини қайтариш тўғрисидаги масалани ҳал этиб, уни Туркистон маркази ҳисобланган Тошкентдаги Маҳкамаи шаръияга бериш ҳақидаги қарорни қабул қилади.

Ички Россия ва Сибирь мусулмонлари марказий диний ишлари бўлимига Қуръонни расман топшириш билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга ошириш вазифаси топширилади.

Қуръонни Тошкентдаги Маҳкамаи шаръияга олиб келиш, Туркистон мусулмонларига топшириш учун Туркистон мусулмонлари идорасидан



Ризоуддин Фахруддинов (раис), Ички Россия ва Сибирь мусулмонлари марказий диний идорасидан Абдурахмон Умаров (котиб), фуқаро Зоҳириддин Қосим Аълам (раис ўринбосари), муфтий Муҳаммадхўжа Норхўжаев, Тошкентдаги Маҳкамаи шаръиядан Шамсуддин ҳожи Хўжаев, Туркистон Марказий Ижроия Комитети аъзоси Султон Хўжаев ва Миллатлар иши халқ комиссарлиги ваколатли ходими Гисматуллиндан иборат комиссия тўзилди.

Мазкур комиссия қарори билан Уфага Ҳазрати Усмон Қуръонини олиб келиш учун асли андижонлик, эски усулдаги мактаб ва мадрасада таҳсил олган, ислом ҳуқуқшуноси, Туркистон мухториятини қўллаб-қувватлаган, 1923–1936 йилларда Туркистон, Ўзбекистон диний назорати идорасида турли лавозимларда ишлаган, 1936 йилда аксилинқилобчиликда айбонлиб қамоққа олинган ва 1937 йилда олий ҳазога ҳўкм қилинган Зоҳириддин Қосим Аълам бошчилигида бир неча кишидан иборат хайбат юборилади. Уларга йўл давомида Қуръонни ҳеч кимга кўрсатмаслик ва қатъий назорат остида Тошкентга келтириш вазифаси топширилади.

Хайбат аъзолари тегишли ҳужжат ва далолатномалар асосида Ички Россия ва Сибирь мусулмонлари марказий диний идорасидан Усмон Қуръонини қабул қилиб олади.

Ҳазрати Усмон Қуръони 1923 йилнинг ёз ойида махсус поезд билан аскарлар қўриқчилигида Тошкентга олиб келинади ва Маҳкамаи шаръияга топширилади. Бу ҳақда Москвадаги турли идораларга телеграммалар юборилган.

Фахриддин
УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ўза.

ФАРҒОНАГА
КАТТА
ФУТБОЛ
ҚАЙТДИ

(Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, "Нефтчи" шонли тарих йўлини босиб ўтган. У беш бор мамлакат чемпиони, тўққиз марта кумуш медаль соҳиби, бир марта Осиё чемпионлари лигасида бронза медалини қўлга киритган. Шунингдек, турли халқаро турнирларнинг совриндори бўлган.

Тантанани вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров очар экан, Фарғона халқини, жамоа мухлисларини янги футбол мавсуми билан муборакбод этди ва команда таркибидagi ўзгаришлар, 2025 йил режа ҳамда мақсадларини айтиб ўтди.

– 80-90 фоиз футболчиларимиз янгилашиб, яхши мутахассислар, жуда катта тажрибага эга чарм тўп усталарини клубга таклиф қилганмиз, – дейди Фарғона вилоят футбол ассоциацияси раисининг ўринбосари Носир Отақўзиев. – Янги ўйинчи, мутахассис, бош менежерлар биргаликда ишлашяпти.

Вилоят ҳокимлигининг изчил саъй-ҳаракати билан "Нефтчи" клуби жорий мавсумга катта тайёргарлик билан келди. Унинг ўқув-тайёргарлик мажмуаси янгитдан қурилди. Энди 18, 20, 23 ёшгача гуруҳлар учун ҳам алоҳида шароитлар яратилди. Жамоа сафига Жамшид Болта-

боев, Фаррух Сайфиев, Элдорбек Суёнов, Жован Жокич, Аброрбек Исмоилов, Жамшид Искандеров Наманганнинг "Навбахор", Зоран Марушич Қаршининг "Насаф", Шохрух Гадов Олмалиқнинг ОКМК, Муҳаммад Ғиёсов Зарафшоннинг "Қизилқум", Владимир Евович Жиззахнинг "Сўғдиёна", Иброҳимхалил Йўлдашев Қозоғистоннинг "Қайрат" клубидан келиб қўшилди.

Таништирув тантанасида уларнинг ҳар бирага тегишли рақамли "Нефтчи" рамзи туширилган кийим берилди.

Хайрулло Бозоров яна бир хушхабарни етказди. Апрель ойида Фарғонада "Нефтчи" футбол академияси фаолиятини бошлайди.

– Хозир 5 гектар майдонда футбол академияси қуриляпти. У "Нефтчи" профессионал клубига тегишли бўлади. Келгусида командага ҳамда мамлакатимизнинг турли ёшдаги терма жамоаларига муҳаббатли футболчиларни етказиб бериш вазифасини бажаради.

Тантана давомида кўп сонли мухлислар учун футболсевар санъаткорлар ижросида куй-қўшиқлар янгради. Ишқибозлар эса шундай олқиш ва ишонч билдирдилар: "Нефтчи" – чемпион!

Сарвар ОБИД.
Элёр ОЛИМОВ олган сурат ва тасвирлар.

Ота ўғлининг
ҚОТИЛИГА АЙЛАНДИ

Марғилонлик Найибхон Рўзихўжаев муқаддам содир қилган жиноятлари учун бир неча бор суднинг "қора курси"сида ўтириб, қилмишига яраша озошлиқдан маҳрум қилинган бўлса-да, темир панжара ортидаги жазодан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан яна жиноятга қўл урди. Бу сафар у ўз фарзандининг қотилига айланди.

Ўша куни салкам 60 ёшни қоралаб қолган отахон яшаш хонадомида ўғли А.Анвархўжаев билан гап талашиб қолди. Охир-оқибат у шаръий никоҳдаги турмуш ўртоғи С.Ҳасанбаева билан истикомат қилаётган кўп қаватли хонадонга қайтди. Кўп ўтмай ортидан ўғли кириб келди. Жанжал-тўполон яна давом этди. Куракда турмайдиган гаплар билан бир-бирларини "сийлашди". Шундай дақиқада шаъ-нига айтилган ҳақоратли сўзга тоқат қила олмаган ота ўғлини ётоқхонага судради. Шу ерда қотиллик содир бўлди. Найибхон

ота дастлаб фарзандига қарата вентилаторни отди, сўнгра дазмон ва тикув машинаси билан танасининг турли қисмларига бир неча бор урди. Ҳушини йўқотгачгина жажилдан тушди. Аммо... Жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судида мазкур жиноий иш кўриб чиқилди. Суд ҳукмига кўра, Рўзихўжаев Найибхон Анвархонвичга Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 97-моддаси 1-қисми билан 10 йил озошлиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Ҳукмдан норози бўлган судланув-

чи ота апелляция шикоятини билан Фарғона вилоят судига мурожаат қилди. Яна бир бор қилмишига тўлиқ иқдорлиги ва пушаймонлигини билдирди, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини, оливалый шароитини инобатга олишликни сўради.

Судлов хайфати иш материалларини таҳлил қилиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни, апелляция шикоятини эса қаноатлантирмагликни лозим топди.

Аброр ОМОНОВ,
Фарғона вилоят суди
судьяси.

Жуманиёз ЖАББОРОВ

Ўзозлана Жақдир

Наврўз келибон, жумла жаҳон нозланажақдир, Офтоб қизитиб, аста-секин ёзланажақдир. Яшнар табиат, дашту адир лола ичинда, Юртим-чаманим ўзгача пардозланажақдир.

Ирмоқ қуладир, елга ўпич берса бинафша, Гул-майс куёш тафтида таннозланажақдир. Бир лаҳза эшит кумрию булбулни навосин, Шўх-шўх таралиб, яллаю шахнозланажақдир.

Қайнар сумалак, варрак учар, тўю томоша, Диллар қувониб, куй била парвозланажақдир. Жавлон урадир давра тузиб неча йигитлар, Қизлар безаниб, ҳусн ила мумтозланажақдир.

Дунёда одам қадри баланд, севса Ватанини, Юрт ичра яна ҳурмату эъозланажақдир.

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetaları tahririyatı	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.	Газета "Zakovat nashriyot uyi" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Косонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: 11275.	Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.	
			Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.	
Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ	Газета жума куни чиқади. Адади: 2884 нусха.	★ Баҳоси келишилган нархда. ★ Навбатчи муҳаррир: Муаттар Маҳмудова.	Саҳифаловчи: Алишер Розиков.	
			Босишга топшириш вақти: 15.00. Топширилди: 15.00.	

ISSN 2016-6370

